# Ишонч

Бу воқеанинг бўлганига уч ойдан ошди. Ўшанда ишчи Ф. Галимовга ишонганлар ҳам бўлди, ишонмаганлар ҳам. Аммо Куйбишев район ирригация ва кўкаламзорлаштиришга ихтисослашган махсус бошқарма коллективининг кўпчилик аъзолари унга ишонишди. Ишонишмаганида бир инсон тўғри йўлдан адашиб эгри йўлга кириб кетиши мумкин эди.

... Яхшигина ишлаб юрган Ф. Галимов негадир кейинги пайтларда ишга кечикиб кела бошлади. Унинг биринчи ёлғонига участка бошлиғи Лола Жобирова ишонди. Иккинчисига ҳам. Учинчисида эса... иш куни тугагандан сўнг уни олиб қолиб суҳбатлашди. Ф. Галимов сўз берди, аммо бошини ердан кўтармади. Унинг ишга кечикиш сабаби кейинчалик иш ҳақи қўлга текканда маълум бўлди. У икки кун ишга кечикиб келди. Нима қилиш керак? Участка бошлиғи ўйланиб қолди. Бу ҳолга вақтида барҳам берилмаса, бошқаларга ҳам таъсир этиши мумкин. Участка ишчиларини йиғиб мажлис ўтказди ва кўпчиликнинг таклифига биноан Ф. Галимовнинг разряди пасайтирилди. Аммо бу жазо ҳам унга кор қилмади. Кўп ўтмай эски ҳолатини яна қайтарди. Участка бошлиғи бу ҳақда бошқарма раҳбарларига маълум қилди. Улар тартиббузар ишчининг хулқини ўртоқлик судига тавсия этишди. Суд ҳайъати Ф. Галимовнинг илгари судланган ва ҳеч қаерда ишламайдиган Қ. Валихонов ва В. Кузнецовлар таъсирига тушиб қолганлигини аниқлади. Унга бу йўлдан қайтиш зарурлиги охирги марта таъкидланди. Участка ишчилари уни оталиққа олишди, ишонишди ва янглишишмади. Мана уч ойдирки, у ишга кечикмайди. Ичишни эса, умуман ташлади. Ҳатто жамоат ишларига ҳам фаол аралашяпти. Агар Ф. Галимовга ўз вақтида ишонишмаганида эди коллектив бир ишчини йўқотган бўларди. Энг ёмони у тўғри йўлдан адашарди.

Кишиларга янгича муносабат таъсирида бир инсон ўз йўлини топиб олди.

Қилич МУСТАФОЕВ.

# Фасллар эркаси

ҚЎШИҚ

Бу тонг ўзгачадир, ўзгача олам,
Қувончу завқ-шавққа тўлди
диллар ҳам.
Уйқудан уйғонди табиат гўё
Атрофга боқаман севинчла бу дам,
Фасллар эркаси — келибди кўклам!
Баҳорни муҳаббат элчиси дерлар,
Уйғонди далалар, сойлар, адирлар.
Дарахтлар кўз очди гул-япроқ ёзиб,
Юракдан қуюлиб келар сатрлар
Дилларга минг илҳом солибди
кўклам!

Ошиқ дил куйлайди бахтидан ёниб,
Булбуллар сайрайди жўшиб, қувониб,
Янграйди куй-қўшиқ, дилрабо ялла,
Тинглайди бахтиёр, ташна дил қониб,
Ҳар кўнгилга ошно бўлибди кўклам!
Сумалак, ҳалимлар тайёрлаб яна,
Ҳар ерда қизиди базму-тантана.
Латофат эшигин очиб баралла,
Ўзига ром қилгач, бу Ватан — она
Умрбод элимда қолибди кўклам!

Дилором ИКРОМОВА.



Лолазор...

# Боғча бўлмаса қийин

Шаҳримизнинг Октябрь районида асосан кўп болали оилалар истиқомат қилишади. Бундай хонадонлар айниқса Оқлон, «Кўкча дарвоза»си атрофида кўплаб топилади. Лекин шунга қарамасдан бу ерларда битта ҳам типовой боғча йўқ, қани энди шу Оқлонда ҳам битта типовой боғча қурилса. Биздан анча нарида жойлашган 226, 90-боғчаларга қатновчи болалар кўп ҳам қийналмаган бўлардилар. Эрталаб транспорт масаласи ҳаммага маълум, 27-автобус доим тиқилинч бўлади. Бу айниқса кичкинтойларни, ҳамда ишга шошилаётган ота-оналарни қийнаяпти.

Оқлондаги 226 ва 90-болалар боғчаларига жами бўлиб 200 тага яқин бола қатнайди. Ясли группаси йўқ, 90-боғча эса умуман авария ҳолатида.

Шундай экан, янги боғчалар барпо этиш масаласи биринчи навбатдаги масала бўлмоғи лозимку! Болалар келажагимиз — ҳамма яхши нарсалар улар учун деймиз. Деймизу амалда унутиб қўйяпмиз. Жамиятимизга етук инсонларнинг етишиб чиқиши боғча ва яслидан бошланишини унутмайлик.

А. УСМОНОВА.

# Патир нон

Нондан азиз нарса борми дунёда?! Нонсиз тирикчилик ўтказиш мумкинми? Яқинда генерал Петров кўчасига бурилишда ўқув нон комбинатининг филиали ишга туширилди. Ҳозирги кунда атроф маҳаллада яшовчилар, йўловчиларга бу ерда тайёрланаётган иссиқ, мазали патир нонлар манзур бўлмоқда.

Эрталаб ишга шошиб кетаётсам маҳалламизнинг табаррук отахонларидан 90 ёшли Шоди ота тўхтатдилар.

— Қўшни, бизнинг миннатдорчилигимизни газета орқали қўли енгил новвойларга етказсангиз, — дедилар қўлларидаги рўмолга тугилган чиройли патир нонларга ишора қилиб. — Қаранг, кишининг кўзини олади-я. Ишқилиб қўллари дард кўрмасин. Давлатимизга ҳам минг раҳмат.

Отахоннинг гаплари билан ишдан қайтишда нон заводига кириб учрашдим. Бизга бир неча турда иссиқ мазали нонларни етказиб бераётган кишилар Муҳаррам Муҳсимова, Иқболхон Бобоева ва Нишон Хўжаевлар экан. Корхона раҳбарларига новвойларнинг ҳалол меҳнатидан барча миннатдор эканлигини етказиб бундан буёнги ишларида муваффақиятлар тилаб қайтдим.

Ҳожиакбар АЗИМОВ.

# Миннатдормиз

Бизнинг оила аъзолари жами ўн хил газета ва етти номдаги журналларга обуна бўлишган. Илгари бизнинг кўчага хизмат қилган 147-алоқа бўлими ва унинг почтальонларидан кўп марта хафа бўлганмиз. Чунки газета ва журналлар баъзи пайтларда бир неча кунлаб, ҳатто ҳафталаб келмас эди. Айрим сонларини ололмай умуман йўқолиб кетган пайтлари ҳам бўлганди. Бунинг оқибатида улар устидан шикоятлар ёзишга тўғри келганди.

Шу йилдан бошлаб кўчамизга янги почтальон тайинланди. У келдию, ҳаммаси ўзгарди. Хонадонларга ҳар куни эрталабданоқ газета ва журналлар етиб келадиган бўлди. Бундан барча хурсанд. Айниқса қарилик гаштини сураётган отахон ва онахонларимиз кундалик янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиб боришяпти.

Яқинда жонкуяр почтальон Владимир Васильевич Модин билан суҳбатлашиб қолдик. Пенсияга чиқса ҳам ёшлардек ғайрат билан меҳнат қилаётган отахонга ўз миннатдорчилигимизни билдирдик. Қани энди ҳамма ҳам Владимир Васильевичга ўхшаб ўз ишига фидойи, тиниб-тинчимас бўлса.

Наргис РАЗЗОҚОВА.
ТошДУ студенти.



Республика кўз касалликлари шифохонаси сўнгги йилларда замонавий техника билан тўла таъминланган ҳолда беморларга хизмат кўрсатяпти. Бу ерда кўплаб тажрибали врачлар меҳнат қилишади.

СУРАТДА: хирург Н. Умарова операция пайтида.

Р. Шарипов фотолари.

# Қадр

## ёки ўқитувчи обрўси ҳақида баъзи мулоҳазалар

Оламда яккаю ёлғиз бир касб эгаси бор, жамият тараққиёти ҳам, инсоннинг шаклланиши ҳам, маънавият ва маданият дурдоналарининг вужудга келиши ҳам ана шу мўътабар зотга, унинг савияси ва меҳнатига боғлиқ. Гап ўқитувчи ҳақида бораётганини муҳтарам газетхон аллақачон тушуниб етган бўлса керак. Қадим-қадимдан халқимизнинг муаллимга эҳтироми баланд бўлганига тарих гувоҳ. Мадраса ёки мактаб домласи даврага кириб келганида, унинг ёшидан қатъий назар, дарров ҳамма оёққа қалқиб, тарбиячи ҳурмати учун энг кекса қоматлар ҳам таъзимга эгилган, уйларнинг тўри ҳамиша ўшаларники бўлган. Инқилобдан кейин эса бу обрў-эътибор энг юксак даражага кўтарилди. Ўша пайтларда озода кийиниб, қўлида китоб ёки папкаси билан кўчадан ўтиб бораётган муаллимнинг олдини кесиб ўтиш жуда катта одобсизлик бўлганлигини боболаримиз ҳали-ҳанузгача эслаб юришади, Зотан, инсониятни алжабрдан алгоритмга, алифдан буюк алломаликка етаклаб келган энг улуғ сиймо ҳам шу ўзимизнинг оддий ва камтар ўқитувчимиз эмасми?

Афсуски, турғунлик даврида устозларимиз обрў-эътибори бироз сусайди, аччиқ бўлсада, бу ҳақиқатни тан олмасдан иложим йўқ. Амалпарастлик зуғумни, пул калондимоғликни баланд поғонага кўтаргандан кейин табиийки, камтарлик ва одоб-ахлоқ сийқалашади. Аслида ҳам худди шундай бўлди. Ҳамма нарса: билим ҳам, халқимизга хос самимий мулозамат ҳам, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат ҳам кўп жойларда пахтага бой бериб қўйилди. Агар бирор сабаб билан 2—3 ўқувчи теримга чиқмаса ўқитувчи раис ёки бригадирдан куракда турмайдиган ҳақоратлар эшитар, билим савияси тўғри баҳоланиб, ўқувчига «2» қўйилса ёки у синфда қолдирилса, «Сиз мактабда ўзлаштириш процентини пасайтириб юборяпсиз», деб директордан дакки ерди. Бу ҳол эса кичкинтойларда ўз ўқитувчиларига нисбатан ҳурматсизлик уйғотар, баъзи болалар барибир «3» қўйишади, деб тараллабедод қилиб юраверишарди.

Пулпарастликнинг авж олиб кетганлиги ҳатто айрим шахслар томонидан ўқитувчиларга нисбатан писандсизлик кайфиятини вужудга келтирди. Собиқ Баландмачит маҳалласида Аббосхон исмли ҳар томонлама етук, айни пайтда жуда маданиятли ўқитувчи бўлғуси эди. Бир куни Аббосхон ака гўшт олиш мақсадида дўконга чиқиб, ёшлар орқасидан навбатга турибди. Қассоб йигит қачонлардир ўз ўқувчиси бўлгани учун кекса одамни куттириб қўймас деган илинжда у бир-икки марта йўталиб қўйибди. Аммо қассоб ўқитувчининг ҳурматини жойига қўйиш ўрнига унга пичинг тошини отабошлабди:

— Муаллим, маош ҳалиям ўша-ўшами?

— Ҳа, кўпаярмиш, деган гап юрибди...

— Туянинг думи ерга теккандами? Мана, биз уч синф маълумот билан сиздан 3—4 баробар кўп пул топаяпмиз. Касбни ўзгартиринг, домла!

— Нима, қассоб бўлайми?

— Майли, ўзимга шогирд қилиб оламан. Ҳо-ҳо-ҳо!

Аббосхон ака жаҳли чиққанидан умрида биринчи марта бисотидаги энг оғир сўзни тилга олибди:

— Юлғич! — Шундай деб шарт ўгирилиб чиқиб кетибди. Унинг орқасидан қассоб бола ғўлдирабди:

— Шу ҳолига бир каттаконнинг қизига совчи бўлиб борибдилар. Топгани томоғига етмайдию, бу муаллимнинг гердайишига ўлайми?

Яқин-яқинларгача бу хилдаги камситишларнинг бошқа формалари ҳам мавжуд эди. Айрим «бойвучча»лар эрмак учун баъзи иродасиз муаллимларни ичкизиб қўйиб, қилиқларини томоша қилиб завқланганлари, эртаси куни эса бурни қизариб синфга кирган ўқитувчи устидан ўқувчиларнинг қиқир-қиқир кулганликлари каби даҳшатли ҳодисалар ҳам рўй бериб турган. Гарчи бундай хунук машмашалар типик бўлмасада, ўқитувчиларимизнинг обрўсига анча-мунча путур етказганлиги аниқ.

Жамиятимизнинг келажаги ишониб топшириб қўйилган кишининг фақат илмий савиясигина эмас, айни пайтда халқ орасидаги обрў-эътибори ҳам юксак бўлиши лозим. Шу жиҳатдан қараганда ўртоқ М. С. Горбачевнинг қуйидаги фикри ҳаммамиз учун дастуруламалдир. «Модомики, — деди у, — биз мактабга юксак талаблар қўяётган эканмиз, энг аввало ўқитувчи нақадар эътиборли сиймо бўлиши керак, у билимларининг кенг мажмуасига, юқори педагогик истеъдод ва маҳоратга эга бўлиши керак. Бутун маориф системасини қайта қуришнинг асосий бўғини мана шунда, ўртоқлар!»

Ҳа, ўқитувчи-устоз жамиятимиздаги энг етук сиймо, унга ҳурмат — эътибор ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим.

Улуғбек МУСТАФОҚУЛОВ,
педагог.

Саҳифа меҳмони

*Эркин ВОҲИДОВ:*

# «Ҳар бирингиз умрим парчаси»



**Маълумки, шу йилнинг февраль ойида Тошкентда В. И. Ленин номли СССР Болалар фонди Ўзбекистон бўлимининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда фонднинг Ўзбекистон бўлими правлениеси тузилди. Правлениега Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Эркин ВОҲИДОВ раис этиб сайланди.**

**Бугун севикли шоир саҳифамиз меҳмони.**

**— Эркин ака, бугун табаррук шеърият, баҳслар, ижодий режалар ҳақида сўзламасак-да, фақат келажак, унинг тақдири хусусида суҳбатлашсак...**

— Айни муддао бўлади. Чунки келажак ҳамиша мушоҳадаларнинг асоси бўлиб келган.

**— Келажак деганда Сиз даставвал нималарни назарда тутасиз!**

— Келажак — энг аввало болалар қиёфасида намоён бўлади. Дарахтнинг келажаги — ниҳол. Одамнинг келажаги— бола, гўдак. Агар гўдак йўқ экан, инсониятнинг ҳам келажаги бўлмайди ҳисоб. Демак, болалар ҳақида ўйлаш — келажак ҳақида ўйлашдир. Шу нуқтаи назардан қараганда В. И. Ленин номли Болалар фонди тузилишини ўз вақтида қилинган олижаноб иш деб қаралса тўғри бўлади.

**— Агар Сиз субъектив деб ҳисобламасангиз, болалигингиз ҳақида ҳам ҳикоя қилсангиз...**

— Мен бир минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йилнинг йигирма саккизинчи декабрида Фарғона областининг Олтиариқ районида қишлоқ ўқитувчилари оиласида туғилганман. Бу оилада биринчи фарзанд қиз бўлиб, у гўдаклигида зотилжамдан ўлган экан. Укам Элбурсни эслайман. Қизамиқ билан оғриб, икки яшарлигида ўлган.

Отамни Олтиариқнинг ўқимишли, обрўли одамларидан бўлган деб эслашади. Ундан дарс эшитган, шогирд бўлган, бирга ишлашган одамлар мен ҳар гал қишлоққа борганимда — ҳозир энди у ер шаҳар типидаги район, — отамнинг ишларини, гапларини хотирлаб айтиб беришади; қувноқ, дилкаш, сўзга чечан одам бўлган дейишади. У тарих муаллими, сўнг партия, совет ташкилотларида ишлаган. Ватан урушининг дастлабки йилларида фронтга кетиб, бош миясида осколка жароҳати ва ўпка шамоллаш касали билан қайтиб келди. Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилда ўттиз уч ёшида Тошкентда Олмазордаги касалхонада вафот этди. Бир йилдан сўнг онам ҳам дунёдан ўтди. Икки қисқа умрнинг ёлғиз ёдгори бўлиб мен тоға қўлида қолдим.

Урушдан аввалги даврдан кўз олдимда қолганлари: отам Марғилонга ишга тайинланган эдилар. Кеч куз ёмғир билан қор аралаш ёғиб турганда Олтиариқдан Марғилонга кўчганмиз. Занжирғилдиракли тракторга прицеп уланган, унга юкларимиз, шкаф, сандиқ, кўрпа-тўшаклар ортилган эди. Йўлда прицепнинг ғилдираги ариққа тушиб кетган ва юкларимиз ағдарилган эди. Мен, онам, эмизикли укам билан кабинада ҳайдовчи ёнида ўтирган эдик...

Тол новдасидан ясаб олган «тойчоғим»ни миниб билқиллаган иссиқ тупроқ кўчада чанг кўтариб чопиб юрганларимни эслайман.

Отам фронтда эканида онам қишлоқ советида секретарь вазифасида ишлар, қийинчилик билан кун кечирар эдик. Жўхори поясини шимиб, тилимни қонатганим, болаларга қўшилиб, кунжара еганим учун онам юзимга шапалоқ ургани ва ўзи кечгача йиғлаганини унутмайман. Хуллас, болалигимдан қолган хотиралар жуда кўп. Айтаверсам адо бўлмайди.

**— Мен урушни кўрмаганман, лекин урушдан кейинги йиллар жабру жафоси бирмунча ёдимда қолган. Болалигимда — ўша пайтларда ҳам ҳозиргидек дасти узун, дасти қисқалар бор эканда— оқ нон еганимни эслолмайман. Қоп-қора буханка нон бўларди, «анжирнон» деб аталарди, ўшанга туз сепиб ердим. Бир-иккита болалар бизни масхаралаб, оқ нон ейишарди. Орзум шу эди: қачон мен ҳам анови оқбалтайларга ўхшаб оқ нон ер эканман!**

— Сиз урушнинг асоратини кўрганингизни айтасиз. Мен урушнинг ўзи ҳақида, халқимиз ҳақида сўзлай. Бу гапларим балки одамларга танишдир, лекин айтиш керак, айтиб чарчамаслик керак. Токи одамлар сал ўзига келсин.

Оқ нон, қора нон —майли, унинг ранги қандай бўлсин— бор бўлсин! Улар барибир қуёш нури теккан буғдой фарзанди. Қўлларда оловдек ёниб туриши шундан. Лекин нон билан баробар турувчи яна бир қутлуғ неъмат бор. Бу — меҳр. Мен ана шу меҳр ҳақида сўзласам.

Ўзбеклар қадим-қадимдан болажон. Боланинг ирқи, миллати, тили суриштирилмайди. Бола — жамият мулки. Халқимизнинг ана шу муборак хислати Улуғ Ватан урушининг мусибатли кунларида айниқса офтобдек жилва қилди. Тошкентлик Шомаҳмудовлар оиласи ўн тўрт болани, каттақўрғонлик Ҳамид Саматов ўн бир болани боқиб, улғайтиришди.

Худди шундай, адабиётимизга ҳам бу туйғулар бегона эмас. Ғафур Ғуломнинг «Феликс болалари», «Сен етим эмассан» шеърларининг ўзиёқ фикримнинг тўла исботидир.

**— Нима учун Ғафур Ғулом ўз асарини «Феликс болалари» деб атаган!**

— Бунинг илдизлари жуда чуқур. Келинг, инқилобнинг дастлабки кунларини ёдга олайлик. Синфий курашлар... Вайронагарчилик... Очлик... Қаттиқ совуқ... Гражданлар уруши... Кўча тўла боқимсиз болалар.

Худди шундай пайтда Совет ҳукумати биринчи навбатда ўша кўча болаларининг ғамини еди. В. И. Ленин шахсан Бутуниттифоқ Фавқулодда Комиссиясининг (ВЧК) раиси Феликс Эдмундович Дзержинскийга болалар билан шуғулланишни топширади. Нега энди Дзержинскийга? Дзержинский чет эл разведкасига, қўпорувчиларга қарши кураш олиб борган. Бу давлат аҳамиятига эга бўлган, халқ тинчлигини сақлашдаги энг муҳим иш. Демак, шундай хулоса қилиш мумкин: болалар тарбияси ҳам муҳим давлат иши. Ана шунинг учун ҳам у ВЧКга топширилган.

Ўша пайтларда коммуналар, махсус интернатлар ташкил қилинган. Антон Семёнович Макаренко сингари ажойиб инсонлар бутун умрини болаларга бағишлаганлар. Ўша мактабларда тарбия топганлар Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшган ажойиб инсонлар бўлиб етишишди. Минг афсуслар бўлсинки, кейинги пайтларда шундай жон фидоликни кўрмадим.

**— Бундай фикрга келишингизнинг боиси нимада!**

— Ўзингиз ўйланг: турғунлик йилларида қанчадан-қанча хатоларга йўл қўйдик, қанчадан-қанча гуноҳлар қилдик. Хатоларимиз қанчалик чуқур бўлса, менинг фикримча, ленинча таълимотдан шунчалар узоқлашиб кетганимизда деб ўйлайман. Бу хатоларнинг, жиноятларнинг энг оғири болалар ҳаётидаги машъум кўринишлардир.

Болаларнинг аҳволи уруш йилларидагидан ҳам ўксикроқ. Ахир Ўзбекистонда болалар уйининг сони тўхтовсиз ошиб бораётганини қандай изоҳлаш мумкин? Ҳозир аниқланган маълумотларга кўра 28 минг бола етим. Айтишга тилим айланмайди, айтмай иложим йўқ, уларнинг 90 фоизи тирик етимлар. Уларнинг ота-онаси бор. Тирик етим бўлиш, оҳ, бу нақадар даҳшат!

Биз ҳозир Антонина Павловна Хлебушкинани, Холида Каримовани мақтаймиз, таъзим қиламиз. Чунки улар енгилтак аёлларнинг «эркин муҳаббати» маҳсули бўлган болаларни оқ ювиб, оқ тараяптилар. Уларни ўкситмаяптилар: ўз фамилиясига ўтказаяптилар.

Ана шу ерда масаланинг бошқа томонига эътибор бериш керак. Нега аёллар ўз жигарбандларидан воз кечаяптилар? Юксак коммунистик ғояларни қадрлайдиган совет ватани борлиги учунми? Ёки Хлебушкиналар борлиги учунми? Ахир уруш пайтларида одамлар бир бурда нонни икки бўлиб еган, ўзгаларнинг болаларини асраб олган аёллар, эндиликда ўз болаларини тўғри келган жойда туғиб, ташлаб кетаверишини қандай баҳолаш керак? Ахлоқсиз кўринишларнинг сон-саноғига етиб бўлмаяптику?

Яқинда бир хат олдим. Уни болалар уйи тарбияланувчиси ёзибди. Мазмуни шундай: онаси турмуш ўртоғидан ажралиб, бошқа эрга теккан. Болани ўзи билан олиб кетган. Эр-хотин бошқа шаҳарга бориб яшамоқчи бўлишган. Вокзалга бориб болага мороженое олиб беришган. Шу ердан қимирлама, деб бир ерга ўтказишган. Ўзлари эса поездга миниб жўнашган. «Мен онамни топаман», — дейди бола мактуб сўнггида, — нега мени алдаб кетишади?».

Нақадар даҳшат! Жониворлар ўз боласини қандай парвариш қилиши, қанчалар суюши ҳақида ҳикояларни ўқиганда тан берамиз. Бўёқда инсон ўз боласини шунчалар хор қилса!

Чамаси «Оила ва ахлоқ» номли ҳафталик нашр этишга тўғри келяпти. Унда оила, фарзанд, бурч ҳақида материаллар бериб бориш зарурга ўхшайди. Шунда жуда кўпчилик оила нималигини, оналик масъулияти, виждон амрини ҳис қилармиди?

**— Кейинги йилларда болалар орасида ўлим кучайди, деган гапга қандай қарайсиз!**

— Гапни майдалаштирмай лўндасини айтиб қўяқолай: республикамиз болалар ўлими бўйича Иттифоқда биринчи ўринда туради, иккинчи Туркманистон, учинчи Тожикистон. Эътибор қилинг: уччалови ҳам пахтакор республикалар!

Болалар ўлимининг, умуман, аҳволининг жиддийлигига иккита сабаб бор. Булар экологик ва тўйимли овқат емасликдан келиб чиқади. Экология деганда дарҳол химикатлар кўз олдимизга келиши бежиз эмас. Ахир бутифос деб номланган кўзга кўринмас ажал деярли барча болаларни ўз домига тортяптику! Ҳозир республикамизнинг областларида болаларда ёппасига ўткир ичак касалликлари, ошқозон дарди мавжуд.

Ҳозир дефолиантларнинг зарарсиз, янги турлари устида иш олиб боряпти. Ғўзанинг ҳеч қандай химикатсиз, барги ўзи тўкиладиган навларини яратиш устида олимларимиз изланмоқда. Шундай қутлуғ кашфиётни амалга оширган олимга Болалар фонди ўз ҳисобидан у тириклик чоғидаёқ ҳайкал қўяр эди.

Пахта терими, бошқа қишлоқ хўжалиги ишлари туфайли болаларимиз соғлиғини эмас, саводини ҳам йўқотяпти. Болалар ўн йил эмас, аслида 7-8 йил ўқишяпти. Мустақил ҳаётда шунинг учун қаттиқ қийинчиликларга дуч келишяпти. Бу, айниқса, ҳарбий хизматда, тил билмасликда кўриниб қоляпти.

Иккинчи масала, тўйимли овқат емаслик. Ҳар бир киши бир кунда қанча мева-чева, гўшт, тухум, нон, сут истеъмол қилиши социологлар томонидан ҳисоблаб чиқилган. Буни такрорлаб ўтирмайман. Болаларимиз жисмонан кучсиз, касалликка тез берилувчан бўлиб ўсяпти. Буни кундалик овқат рационининг пастлигидан деб ҳисоблаш керак. Буларнинг ҳаммасига, биринчи навбатда социал адолатсизликка чек қўйиш керак. Бу борада Болалар фонди ҳам ўз сўзини айтади.

**— Шу фактлар аввал ҳам маълум эдими!**

— Маълум эди. Бизнинг фожиамиз— бўлиб турган воқеаларни ғоятда моҳирона қилиб эл кўзидан яширганимизда, партия ва ҳукуматимизни «моҳирлик» билан алдаганимизда. Ҳар соҳада бўлгани каби энг маъсум мавжудот — болаларни ҳам алдаганимизда, қўшиб ёзганимизда. Болалар муаммосини ҳар томонлама ўрганишимиз керак. Бу муаммоларнинг ярми юзага чиқди, ярми ҳали ҳам кўздан йироқда.

**— Энди Болалар фонди ҳақида, унинг вазифалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз!**

— Болалар фонди нега тузилди деган савол ортиқча. Ёки бу фонд болалар уйларига ёрдам бериш учун тузилди дейилса ҳам нотўғри бўлади. Болалар фонди дастлаб болаликни ҳимоя қилади. Демак, катталарга — ўз бурчини унутаётганларга ҳам муассасамиз ўз таъсирини ўтказиши табиий.

Шу боисдан ҳам фонднинг фаолияти фақат болалар муаммолари билангина чекланмайди. Бизнинг биринчи ишимиз хира тортган маънавият булоқларининг кўзини очишдан иборат. Қалби соф болажон инсонлар жуда кўп.

Қорақалпоғистоннинг Нукус районида Олланиёз Ўтаниёзов исмли камтарин ўқитувчи бор. У 30 йилдан буён уйлар, чоғроқ колхоз болалар боғчалари, медицина пунктлари, кутубхоналар қурмоқда. Буларнинг ҳаммасини текинга, ёзги дам олиш чоғида ўз пули ҳисобидан қурмоқда. 1985 йилда ўша вақтда 10-синфда ўқиётган ўғли билан биргаликда «Нукус» совхозида 100 ўринли болалар боғчаси ва медицина пункти учун бир хона қуриб берди. Олланиёз ўғли билан биргаликда 1986 йилги меҳнат отпускаси чоғида «СССР 60 йиллиги» совхозида болалар боғчаси, кутубхона ва медпункт қурди. Комиссия бу беғараз ишни 27 минг сўм баҳолади.

Республика кар-соқовлар жамияти махсус мактаб-интернатлар ва махсус болалар боғчалари эҳтиёжлари учун 60 минг сўм ажратди.

«Пахтакор» спорт жамияти комсомоллари республика болалар уйлари ва интернатларида физкультура-соғломлаштириш ишларини яхшилаш учун болалар фондига 5 минг сўм топширдилар.

Республика ижодкор ходимлари ҳам бу эзгу ишдан четда қолишмади. «Ўзбекфильм» режиссёри Светлана Қодировна Муродхўжаева 1000 сўм гонорарини болалар уйлари эҳтиёжи учун топширди.

Раҳмат сизларга, азизларим!

**— Болалар соғлиғини сақлашдаги муаммолар ҳақида ҳам тўхталсангиз...**

— Туркманистон ССРда бир ёшгача бўлган чақалоқларнинг юқумли касалликлардан ўлиши СССРдаги ўртача даражадан деярли тўрт баравар, Тожикистон ССРда сепсис оқибатида ўлим, умуман Иттифоқдаги даражадан уч баравар кўпдир. Юқумли хасталиклар касалхоналарининг 70 проценти махсус қурилмаган биноларда жойлашган. Туркманистонда биронта ҳам болалар юқумли касалхонаси йўқ, Тожикистонда эса фақат битта шундай касалхона бор. Ўзбекистонда аҳвол улардан яхши эмас. Юқумли хасталиклар касалхоналарининг 90 процентида канализация, 65 процентида иссиқ сув йўқ. Реанимация бўлимлари тармоғи ниҳоятда кам, дори-дармонларнинг ҳамиша етишмаслиги одат тусига кириб қолган. Бундан ташқари болалар ўлими даражаси юқори экан, бунга кўп жиҳатдан врачлар малакасининг пастлиги, бошқача айтганимизда уларнинг тиббий жиҳатдан тажрибасизлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Айрим далилларни келтириб ўтайлик: Ўзбекистонда 10 минг болага ўртача 13,5 педиатр, Тожикистонда 11,7 педиатр тўғри келади. Иттифоқ бўйича эса 10 минг болага 20,5 педиатр тўғри келади. Бунинг устига болалар врачларининг шу регионда нотекис тақсимланганлиги ҳам аҳволни чигаллаштирмоқда. СССР Болалар фонди 1988 йилда Ўрта Осиё республикаларига 2000 врач юборади. Ҳисоб-китобларга қараганда, сарф-харажат икки миллион сўм экан. Майли, ундан ҳам кўп бўлсин. Болалардан ҳеч нарса аямаймиз.

Таъсис конференциясида Альберт Лихмов ана шулар ҳақида сўзлади. Бу ҳамманинг дилидаги гап.

**— Эркин ака, демак Болалар фонди фақатгина болалар уйи, интернатлар, фаолияти билан чекланмас экан-да!..**

— Мутлақо! Бонг уриш керак бугун! Токи, ҳамманинг юрагида бир учқун пайдо бўлсин! Токи шу учқун оловга айлансин! Лоқайдликни, тошбағирликни куйдириб кул қилайлик! Одамларимиз болаларни эркалаб, «Ҳар бирингиз умрим парчаси» дея олсин! Ана шундагина болалар инсоний меҳр-муҳаббатимиздан тўлиқ баҳраманд бўлади, ана шунда дунё яна ҳам гўзаллашади.

**— Мен шундай бўлишига ишонаман, Эркин ака!**

— Мен ҳам, азизим!

**Саҳифа мезбони**
**Темур УБАЙДУЛЛО.**

«Мушоҳада»нинг навбатдаги сони 31 майда чиқади.

